Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 29 (10.278).

1992 йил 11 февраль сешанба

Баҳоси 60 тийин.

Вилоят ижтимоий–сиёсий рўзномаси

СЎМ ИШЛАШИ КЕРАК

Тошкентда вилоят банклари ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда банк муассасаларининг иши якунлари чиқарилди ва 1992 йилда ягона пул-кредит сиёсатини ўтказиш масалаларидаги вазифалар белгиланди.

Семинар-кенгаш ишида Тошкент вилоятининг ҳокими С. Д. Сайдалиев, республика Давлат банки бошқаруви раисининг ўринбосари Х. Юнусов, Давлат банки, саноат-қурилиш банки, деҳқончилик саноати банки ва жамғарма банки вилоят бошқармаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Молиявий тизим ниҳоятда сезгир барометр ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат банки вилоят идораси бошқарувчиси А. М. Умаровнинг семинар-кенгашдаги маърузаси фақат молиячи мутахассисларнинг фикр юритиши учун аҳборот беришгина қолмайди.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ПАСАЙИШИ

1991 йилда вилоятда кўпчилик асосий маҳсулот турларини, шу жумладан, аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш қисқарди. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги миқёсларининг кенгайиб бораётганлиги хўжалик алоқаларининг тобора кўпроқ узилаётганлигидан далолат беради. Шартномалар бўйича истеъмолчиларга етказиб берилмаган саноат маҳсулоти ҳажми 277 миллион 300 минг сўмликни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари камайди. Дон 1990 йилдагига нисбатан 14,2 фоиз, пиёз 1,7 фоиз, саримсоқ пиёз 60,4 фоиз, гўшт 21,6 фоиз, сут 6,8 фоиз, тухум 10,7 фоиз қисқарди.

Инвестиция сиёсатидаги аҳвол яхшиланмади. Асосий фондларни ишга тушириш 12,5 фоиз камайди.

Вилоятда иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан пасайиши пул муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. У ўтган йили жуда мураккаблашиб кетди. Моллар ва хизматлар билан таъминланмаган пулнинг оборотга кириши давом этди, истеъмол бозорининг номувофиқлиги кучайди. Бир йилда эмиссия икки баравардан кўпроқ ортди ва 268 миллион сўмни ташкил этди.

ЭМИССИЯ

1991 йилда аҳолининг пулли даромадлари икки баравар, ҳаражатлар эса 2,1 баравар ортди. Ҳаражатларни қоплашдаги эмиссиянинг улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,1 пунктга қисқарди. Вилоятда бундай ижобий тамойиллар бозорни моллар билан тўлдириш ҳисобига эмас, балки 1961 йилда чиқарилган 50 ва 100 сўмлик пул белгиларининг алмаштиришини амалга ошириш муносабати билан юзага келди. Бунинг натижасида омонатларга ва савдо ташкилотлари кассаларига пулнинг тушиши анча кўпайди.

Ҳатто шундай ҳолатларда ҳам 1991 йилда касса оборотлари прогнози ҳаражат қисмининг олти фоизи пул эмиссияси ҳисобига қопланди.

Ўтган йили вилоятнинг 11 райони ва тўрт шаҳрида пул муомалага чиқарилди. Учта район ва бир шаҳарда хўжаликларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжи ўзларининг касса тушумлари билан таъминланди ва пуллар муомаладан чиқариб ташланди.

Аҳолининг пул даромадларига нисбатан молларни харид этишга қилган ҳаражатлари камайди ва 72 фоиздан камроқни ташкил этди. Оққўрғон, Бўка, Паркент ва Пискент районларида эса аҳоли ўз даромадларининг ҳатто ярмисини ҳам моллар сотиб олиш учун сарфлай олмаяпти.

Вилоятда истеъмол бозорининг аҳволи йил давомида жуда зўриқиб ташкил топди, бу асосан мол ресурсларининг етишмаслиги ҳамда асосий халқ истеъмоли молларига давлат чакана нархларининг оширилиши билан боғлиқ ҳолда аҳолининг шов-шув туфайли талаби кескин кучайиши оқибатида юзага келди.

Умуман вилоятда 230 та саноат корхонасининг 31 таси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда қатнашмаяпти.

Банклар корхоналар маблағларининг мақсадли ҳаражатлари устидан назоратни етарли даражада амалга оширмаяптилар. Масалан, Чирчиқдаги 215 та ташкилот ва корхона банкдан нақд олинган деярли 3,3 миллион сўм пулни бошқа мақсадлар учун фойдаланганлар. Бунда уларга фақатгина норозилик билдирилиб, огоҳлантириш билан чекланилган.

ҚИШЛОҚДА ПУЛ ЯИҒИШНИ МАЪҚУЛ КЎРАДИЛАР

1991 йилда пул жамғармасининг ортиши 579,3 миллион сўмни ташкил этди. Бунда жамғарма банкларидаги омонатларнинг ортиши асосан нақд бадаллар ҳисобига таъминланган. Омонатларга нақд пулсиз тушумлар 1990 йилдагига нисбатан 8,6 фоиз ошди.

Колхозчилар даромадларини омонатларга ўтказиш иши жуда ёмон олиб борилмоқда. Бу омонатлар вилоят жамоа хўжаликларига берилган пулнинг 9,4 фоизини ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда колхозчилар ва давлат хўжаликлари ишчилари ўтган йил якунлари бўйича маош олмоқдалар. Фақат шу мақсадлар учун Ўрта Чирчиқ районида январь ойида 24 миллион сўм нақд пул ажратилган. Тушунтириш ишлари олиб борилаётганлигига қарамай, шу йилнинг 1 февралигача колхозчилар даромадларидан ҳеч қандай маблағ омонатларга тушгани йўқ.

БОСМА ДАСТГОҲИ ЭСА... РОССИЯДА

Давлатлараро банк органининг йўқлиги шароитларида Россиянинг марказий банки РСФСР Олий Кенгашининг СССР Давлат банкини оператив бошқариш бўйича топшириқларига асосланиб ва пулларни муомаладан чиқариш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошира бориб, 1992 йилнинг 1 январидан собиқ иттифоқдош республикаларнинг марказий банклари учун эмиссия рухсатларини беришнинг қаттиқ шартларини белгилади. Бундан буён эмиссия рухсати кредит ҳисобига республикаларга берилган йиллик нақд пулнинг 21 фоизини ундириб олиш ҳисобигагина берилади.

Агар аҳвол бундан буён ҳам ўзгармаса бунинг оқибати биз учун жуда оғир бўлади.

ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ СУРЪАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

1991 йилда вилоятда 7,3 миллион сўмлик ҳазина мажбуриятлари реализация қилинди, 2,9 миллион сўмлик сертификатлар, 1982 йилги давлат заёмидан 3,9 миллион сўмлик сотилди. Корхоналар акциялари ва меҳнат жамоалари акцияларини сотиш ниҳоятда ёмон бормоқда.

Аҳоли пул даромадларининг янада ўсиши шароитларида, бу даромадларни моллар билан таъминлаш тобора мушкуллашмоқда, вилоят банклари омонатчиларни рағбатлантириш тизимини кўриб чиқишлари, омонатлар бўйича фоизларни пулнинг қадрсизланиши суръатларини ҳисобга олиб белгилашлари лозим.

ҲАМОН ЎША-ЎША

Пул-кредит сиёсатининг бош йўналишларига мувофиқ кредитлар бериш кредитлашнинг тегишли лимитлари билан чекланди ва бу кредитлар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга устивор тартибда йўналтирилиши керак.

Йил давомида берилган узоқ муддатли кредитларнинг умумий сармоясидан қайта қуриш, техника билан қайта ускуналаш, техникаларни сотиб олишга ажратилган кредит 50 фоизни ёки деярли 77 миллион сўмликни ташкил этди, 27 фоизи ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга, якка тартибда қурилишларга ажратилди.

1991 йилдаги каби бу йил ҳам кредитлар асосан мол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришни таъминловчи тармоқларга сарфланиши керак.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 8 февраль куни Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг вакиллари билан учрашди. Ёшларни тўлқинлантираётган масалалар ва муаммолар хусусида самимий, ошкора ва қизиқарли суҳбат бўлди.

Учрашув чоғида республика бошлиғи бугунги кунда талабалар қандай яшаётгани, уларни нималар тўлқинлантираётгани билан қизиқди. Ёшлар дилдан, ошкора гапирдилар. Уларнинг таклифлари, фикр ва мулоҳазалари катта эътибор билан тингланди.

Учрашувда жаҳоннинг 90 тадан кўпроқ мамлакати ҳозирнинг ўзидаёқ тан олган Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги республика фуқароларини, айниқса, ёшларини атрофлича тарбиялаш, улар илми ва савиясини ошириш учун катта имкониятлар очаётганлиги таъкидланди. Айни вақтда жамиятни демократиялаш жараёни ҳар бир кишидан тартиб ва интизомга риоя этишни талаб қилаётганлиги таъкидланди. Масалан, айниқса, маиший масалаларни ҳал этиш зарур бўлган ерларда талабалар ўзини ўзи бошқарувини, ижодий кучғайратларни бирлаштириш ғоясини табриклаш керак, холос. Талабалар ўзини ўзи бошқаруви ҳокимият бошқа тузилмалари фаолиятини истисно этмайди, у янада самаралироқ ишлаш мақсадида бошқа тузилмалар билан мувофиқлаштирилиши керак.

Суҳбатда кўплаб ёшларни тўлқинлантираётган олий ўқув юртларига кирувчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш, имтиҳон жараёни масалалари ўртага қўйилди. Илмгоҳларга танлаб олиш масаласига холис ёндошиш муҳимлиги таъкидланди. Ана шундагина олий мактаб ҳақиқатан ҳам қобилиятли ёшларга эга бўлади, бу ёшлар кейинчалик республикамизнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўша оладилар.

Мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон халқаро майдонга чиқмоқда. Бундай шароитда олий таълим мутахассислари олдига янги талаблар қўйилади, айни вақтда олий ўқув юртларида таълим бериш тизимининг ўзи қайта кўриб чиқилиши керак. Халқаро ҳамжамиятга қўшилиб, фаолият кўрсатиш учун республикамизга ҳар томонлама камолатга эришган, яхши тайёргарликдан ўтган мутахассислар керак.

Суҳбатда Тошкент ҳокими А. И. Фозилбеков, давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашдилар.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ


ЎРТОҚ М. ҚОРАБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ **Муҳаммаджон Қорабоев** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 февраль.



ОНА ЮРТ– ОЛТИН БЕШИК

ЎРТА ЧИРЧИҚ НОҲИЯСИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ БОСҚИЧИДА

(Шу ҳақдаги мақолаларни 3-саҳифада ўқийсиз).



● Суратларда: **ТИИИМСХ ўқув-тажриба хўжалигидаги «Наврўз» чойхонасининг ташқи кўриниши (юқорида); Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги иссиқхонаси ишчиси Жанар Султонова ўзи етиштирган ҳосилдан мамнун.**

В. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ С. Д. САЙДАЛИЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Сайфулла Давирович Сайдалиев** Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 февраль.

УЛУҒ ШОИР ВА МУТАФАККИРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган якшанба куни республикамиз ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий таваллуд топган кунининг 551 йиллигини тантанали нишонлади.

Ушбу сана шарафига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, республика ҳукумати, пойтахт ҳокимияти, жамоат ташкилотлари номидан улуғ шоир ва мутафаккирнинг Тошкентдаги ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Гуллар қўйиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида Алишер Навоий таваллуди санасига бағишланган кечалар, кўргазмалар ўтказилди, концертлар бўлди.

(ЎЗА).

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси Тошкентга келиб кетди. Делегацияга КХДР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Ин Гю бошчилик қилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул этилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси билан КХДР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

(ЎЗА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

«ЁРДАМ ДЕСАНТИ»НИНГ ПАРВОЗИ БОШЛАНДИ

● ҲА, шу кунгача Америка Қўшма Штатлари томонидан собиқ Совет Иттифоқининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган республикаларига озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда техникавий жиҳатдан ёрдам бериши ҳақида кўп гапирилди. Олий даражадаги давлат арбоблари, вазирлар, сенаторлар, ишбилармонлик доиралари вакиллари — ҳаммаҳаммаси бу хусусда сўзлаган бўлса-да, ёрдамнинг қай тарзда амалга оширилиши номаълум бўлиб келди. Ниҳоят «муз жойидан қўзғалди». Америка Қўшма Штатларининг Москвадаги элчихонаси ходимларидан бири 10 февралдан бошлаб ёрдам амалий босқичга кўчади, АҚШ тайёраларидан тузилган «ёрдам десанти» ўзларига юкланган вазифаларни амалга оширишга киришадилар, деди. Унинг гапларига қараганда, дастлабки куниёқ АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли С-5, С-141 тонфасидаги 12 та транспорт тайёраси собиқ СССР жумҳуриятлари томон парвозни бошлайди. Мазкур тайёраларнинг бештаси Германиянинг Франкфуртдаги — Майн шаҳридан учадилар. Чунки, Форс кўрфазидаги уруш пайтида АҚШ қўшинларини озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида бу ерга кўп миқдордаги заҳиралар жамланган эди. Ана ўша заҳиралар эндиликда Москва, Санкт-Петербург, Киев, Минск ва Кишиневга жўнатилади. Қолган тайёралар эса Туркиядан учиб, Ереван, Ашхобод, Душанбе, Олмаота, Боку, Тошкент ҳамда Бишкек томон йўл олади.

«Ёрдам десанти» фаолияти икки ҳафтага чўзилади, деб тахмин қилинмоқда. Бу муддат ичида Россиянинг турли шаҳарларига ва бошқа жойларга 54 марта парвоз қилинади. Ёрдам берилаётган жумҳуриятлар ичида ҳозирча фақат Грузиянинг номи кўзга ташланмайди. АҚШ элчихонаси ходимининг фикрича, Грузиядаги беқарор вазият ёрдам бериш жараёнини ноаниқ қилиб қўймоқда.

АРМАНИСТОН ИЛТИМОСИ

● АРМАНИСТОН ташқи ишлар вазири Ованесян Эрон Ислом Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Вилоятий билан Теҳронда музокаралар олиб борган пайтида Эрон томонидан Тоғли Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этишда ёрдам беришни сўради. Мазкур ихтилофни ҳал этишда Эрон ўзининг жаҳондаги обрўсидан фойдаланади, деб ўйлайдиган, деди Ованесян. Арманистон ташқи ишлар вазири, шу билан биргаликда, чегарадош ҳудудларда савдони йўлга қўйиш, нефть транспорт ҳамда темир йўл алоқаларини ривожлантириш, банк ишларида ҳамкорлик этиш юзасидан ҳам ўз фикрларини ўртага ташлади. Арманистоннинг халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларга аъзо бўлишида Эрон уни қўллаб-қўлтиқлайди, деб ишонч билдирди Арманистон вазири.

МДҲ ПУЛИНИНГ ОБРУСИ УЧУН

● АНГЛИЯДА чиқадиган «Санди телеграф» рўзномасининг ёзишига қараганда, Буюк Британия бош вазири Ж. Мейжор Б. Н. Ельцин Россияда ўтказаётган иқтисодий ислоҳотининг муваффақияти учун астойдил қайғурмоқда. У Россия ислоҳотининг ғалабаси учун кўп миллиард долларлик фонд ташкил этиш ва уни амалга ошириш учун саъи — ҳаракат кўрсатмоқда. Бош вазир, деб ёзади рўзнома, ўз ҳамкасбларига Россия пули жаҳон пулига айлантирилса, яхши бўлар эди, балки, бу жараён шу йил апрель ойининг охирларига бориб амалга ошиб қолиши ҳам мумкин, деган гапларни айтган. Бу соҳадаги секинлашиш ўлим билан баробар бўлиши мумкин, деди бош вазир. Ж. Мейжор таклифи узоқни кўзловчи сиёсатдир, деб таъкидлайди рўзнома, зотан, Россия пули жаҳон пулига айлантирилса, яхши бўлар эди, балки, бу жараён шу йил Филлипс кейинги пайтларда қуюшқондан чиқиб кетди. Малика Аннанинг зорланишига қарамай, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, у маълуд таътиллари кунида сафар бюросининг бекаси, малла соч хоним Жейн Торитон билан курортлардан бирига жўнаб қолди. Эрининг маъшуқаси билан тушган расми рўзномаларда босилгач, Аннанинг «жони чиқиб кетди». Дарҳол онаси — қиролича Елизавета II ҳузурига югурди. Она ниҳоят ажралиш учун ижозат берди. Никоҳни бекор қилиш ёз ойларида амалга оширилиши белгиланди.

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ЎТГАН ҳафта охирида Жанубий Африка Жумҳурияти президенти Фредерик де Клерк Оврўпо бўйлаб сафарини ниҳоясига етказди. Ф. де Клерк ташриф буюрган мамлакатлар орасида собиқ Варшава Шартномаси аъзолари Венгрия, Чехословакия ҳамда Польша ҳам бор эди. Жуда узоқ йиллар мобайнида ЖАЖ президенти бу давлатларга биринчи марта сафар қилди.

● ПОЛЬША сеймининг қарорига биноан 7 февралдан бошлаб бу мамлакатда солиқ полицияси ишлай бошлади. Легион деб аталган солиқ ундирувчилар мамлакат хазинасини бойитишда алоҳида роль ўйнайди, деб кутилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Президент Ислом Каримовнинг фармони билан, деб хабар қилди «Озодлик» радиоси, собиқ ЎзТАГ агентлиги эндиликда ЎЗА — «Ўзбекистон агентлиги» деб аталади. Шу тариқа Ўзбекистоннинг Миллий ахборот агентлиги туэилди.

Бу Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Маълумки, Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил декабрь ойида Туркияга ташрифи чоғида Туркиянинг ярим расмий Анадўлу ахборот агентлиги билан собиқ ЎзТАГ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тузилган эди. Эндиликда Ўзбекистоннинг миллий агентлиги — ЎЗА жаҳондаги бошқа ахборот агентликлари — «Ассошиэйтед пресс», Рейтер, Франс пресс каби агентликлари билан ҳамкорлик тўғрисида ана шундай битимлар тузиши, Ўзбекистон тўғрисидаги ахборотларни мустақил равишда бутун дунёга тарқатиши мумкин. Олдин бу иш билан РАТА — ТАСС Россия агентлиги ва Интерфакс шуғулланар эди.

Иккинчи томондан ЎЗА турли мамланатларнинг агентликлари ёрдамида дунёнинг ҳамма жойидан ахборот олиши мумкин. ЎЗА тузилиши эндиликда Ўзбекистон жамоатчилиги, шунингдек жаҳон жамоатчилиги мустақил, холис ва эркин ахборот олишига ишончни кучайтирди.

(ЎЗА).

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЖЕЙМС БЕЙКЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ж. БЕЙКЕР

ЖЕЙМС ЭДДИСОН БЕЙКЕР (ЯАМЕС АДДИСОН БАКЕР) АҚШ ДАВЛАТ АРБОБИ.

1930 йил 28 апрель куни Техас штатининг Хьюстон шаҳрида иши юришиб турган ҳуқуқшуносннинг бадавлат оиласида дунёга келган.

Отаси — Жеймс Эддисон, Онаси — Боннер (Минзда туғилган).

Пенсильвания штатидаги аслзодаларнинг фарзандлари ўқийдиган «Хилл скул» мактабини битирган. 1952 йилда Принстон дорилфунунини тугатиб, ижтимоий фанлар бакалаври даражасини олган.

1952—54 йилларда АҚШ денгиз пиёда қўшинларида хизмат қилган.

1957 йилда Принстон дорилфунунини ҳуқуқ бакалаври даражаси билан битириб чиққан.

1957—81 йилларда Техас штати Хьюстон шаҳридаги «Эндрос, Кэрт, Кэмпбелл энд Жоунс» ҳуқуқий фирмасининг адвокати.

1975—76 йилларда Ж. Форд маъмуриятида савдо вазирининг ўринбосари.

1981—85 йилларда — Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари.

1985—88 йилларда — Р. Рейган маъмуриятида молия вазири.

1989 йил январидан — АҚШ давлат котиби.

Президент Ж. Форд (1976 йил), Р. Рейган сайловолди кампанияларида қатнашди, Ж. Буш сайловолди кампаниясига раҳбарлик қилди, президент Ж. Бушнинг қалин дўсти ва маслаҳатчиси.

Америка ҳуқуқшунослар жамиятининг аъзоси.

Техас штати ва Хьюстон шаҳри ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзоси.

Сюзан Гарриеттга уйланган (1973 йил).

Саккиз фарзанди: биринчи никоҳдан тўрт фарзанди (хотини Мэри 1970 йилда вафот этган), Сюзаннинг биринчи никоҳидан уч фарзанд ва иккинчи никоҳдан Мэри Боннер исмли қизи бор.

(РАТА—ТАСС, 8 февраль).

ЁДНОМА

Рўзнома таҳламларини варақлар эканман, устозим Раҳим оға Довутбековнинг уруш иштирокчилари билан тушган бир қанча суратларини кўрдиму кўнглим ёришиб кетди. Айни чоғда қалбимда аламли бир изтироб пайдо бўлди. Бир зум ҳаёлга толдим. Оталардек меҳрибон инсон билан учрашиб суҳбатлашган онларим кўз ўнгимда гавдалана бошлади.

У пайтда Кавардон қишлоғидаги У. Юсупов номли 3-ўрта мактабда ўқир эдим. Бир куни дафтар тўла шеърларимни «Суръат» рўзномасига олиб бордим. Ийманибгина турган эдим.

— Бемалол кираверинг, — деган овоз эшитилди. Хонада истараси иссиқ, соч-ларига оқ оралаган, 60 ёшлар чамасидаги киши алланарсаларни ёзиб ўтирарди. Салом-аликдан сўнг:

— Келинг ўғлим, ўтиринг,— деди у бўш ўриндиқлардан бирига ишора қилиб. Сўнгра машқларим битилган дафтарни узатдим. Раҳим оға шеърларимни бирма-бир ўқиб чиқиб, сўнг мулойим оҳангда:

— Танлаган мавзуларингиз яхши, лекин шеър ёзишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Ҳозирча машқларингиз оддий сўз тизмаларидан иборат бўлиб қолибди. Кўпроқ китоб ўқиб, ўрганинг, машқ қилинг, деб маслаҳат бердилар. Мақолалар ҳам ёзиб туринг, дедилар. Мен эса мақола ёзишни билмаслигимни айтдим.

— Ҳечқиси йўқ. Ўргатамиз.

Орадан икки кун ўтгач маслаҳатларига кўра бир мақола ёзиб, муҳарририятга келдим. Уни Раҳим оғанинг ўзлари олиб қолдилар. Кўп ўтмай ёзганим Раҳим оғанинг кўмаги билан рўзнома саҳифасида босилди. Шушу мен тез-тез келадиган бўлиб қолдим. Мураббий ўзлари айтганларидек менга қалам тебратишни ўргатиб бордилар. Кунлардан бир кун.:

— Анча қўлингиз келиб қолибди. Бугунги мақолангиз дуруст. Рўзноманинг навбатдаги сонларидан бирига бериб юборамиз,—деб кўнглимни кўтардилар. Устоз билан хайрлашар эканман, стол устида кавардонлик марҳум ёзувчи Ҳамид Муроднинг «Уфқдаги чўққилар» китобига кўзим тушди. Мен бу китобни ҳарбий хизматдан келган йилимоқ ўқиб чиққан эдим. Раҳим оға нигоҳимни пайқаб китобни қўлларига олар эканлар:

— Ажойиб йигит эди. Эҳ аттанг, жуда ёш кетди. Унинг ёзган асарлари ўзидан ёрқин хотира бўлиб қолди. Ҳали Ҳамиджон кўп китоблар ёзиши мумкин эди. Афсус ўлим ёшни суриштириб ўтирмас экан,— дедилар.

Китобни устозга Ҳамид Муроднинг ўзи ҳаётлик чоғида туҳфа қилган экан. Ота китобни шогирдидан ёдгорлик сифатида кўз қорачиғидай асраётган эканлар. Сўнгги учрашувларда менга ўз шогирдлари — ёзувчилар Ориф Одилхонов, Шарифа Салимова, Ҳайриддин Султонов, журналистлар Иноғом Ҳолтурсунов, Нишон Аҳролов, Миршолим Миркомиловлар ҳақида ҳам сўзлаб бериб, улар ҳақида ладиган дўкон олдида Раҳим оғани учратиб қолдим.

— Ўғлим, журналистликка ўқиш учун ҳаракат қилмаяпсизми?— дея сўрадилар. Мен эса Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига сиртдан ўқишга кирганимни айтдим.

— Яхши қилибсиз, журналист бўлиш учун журналистика куллиётида ўқиш шарт эмас.

Бу устозим Раҳим оға билан сўнгги суҳбатимиз ва учрашувимиз бўлди. Кўп ўтмай Раҳим Довутбековнинг вафот этганлиги ҳақидаги нохуш хабарни эшитганимда, вужудим ларзага тушди...

Орадан йиллар ўтди. Ҳамон устозим сиймоси кўз ўнгимда намоён. Раҳим оға камолга етказган неча-неча ёзувчилар, шоирлар, қаламкашлар ҳаётида, фаолиятида устоз умри боқийлиги давом этмоқда.

Л. МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ ноҳияси.

КЕНГ ЭДИ

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ ДАҲЛСИЗ

УКРАИНА Олий Кенгаши баёнот қабул қилди. Унда жумладан шундай дейилади: 5 февраль куни Украина Олий Кенгаши Раёсати делегацияси Қримда бўлди. Делегация вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол билан танишди ва Қрим АССР Олий Кенгаши Раёсати билан учрашди. Қрим, деб уқтиради Украина парламенти, собиқ ССР Иттифоқида ўша вақтда мавжуд бўлган снёсий-ҳуқуқий тузилмалар, тартиб ва воқеликлар доирасида 1954 йили Украинанинг бир қисми бўлиб қолди. Парламент мавжуд давлат чегаралари даҳлсизлиги принципига риоя қилишини тасдиқлайди ва ҳар қандай ҳудудий даъволарни рад этади.

ЖУРНАЛИСТЛАР ИШ ТАШЛАШМОҚЧИ

«КАЗАХСТАНСКАЯ ПРАВДА» рўзномасининг хабар беришича, республика журналистлари қисқа муддатли огоҳлантирувчи иш ташламоқчилар. Рўзнома ҳукумат ва матбуот нашрлари таъсисчилари матбуотни сақлаб қолиш чораларини кўрмасалар барча кундалик рўзномаларнинг бир вақтда чиқмаслиги йўли билан норозиликларини билдиришга тайёр эканликларини маълум қилди.

МИЛЛИЙ АРМИЯДА ҚАНЧА КИШИ БЎЛАДИ?

ҒАРБИЙ Оврўпа мамлакатлари даражасига тенг бўлиши учун Беларусь миллий армияси сони 50 мингдан 80 минг кишигача бўлиши лозим. Республика ҳудудида жойлашган қўшинлар мақомини аниқлаш бўйича Беларусь Олий Кенгашининг эксперт гуруҳи ана шундай хулосага келди.

ЗОБИТЛАР СОНИ ҚИСҚАРАДИ

РОССИЯ зобитлари сонини беш-олти марта қисқартириш мўлжалланмоқда. Бу ҳақда Борис Ельцин фармони тайёрланди. Ҳали имзо чекилмаган ана шу фармонга кўра Россия федерацияси мудофаа вазирлигини тузиш назарда тутилмоқда.

МИТИНГЛАР КУНИ ЎТГАН шанба ва якшанба кунлари Москванинг марказий майдонлари ва шоҳкўчаларида оташин нутқлар ва шиорлар эшитилиб турди. Бир-бирига қарама-қарши бўлган митинглар Манеж майдонида ва Эркин Россия майдонида Оқ уй олдида бўлиб ўтди.

8 февраль куни дастлаб «Москва» меҳмонхонаси биноси олдида «Озодлик» демократик ҳаракати тарафдорлари ва Москва Кенгашининг бир гуруҳ депутатлари даъватига қўшилган кишилар тўпландилар. Асосан кексалардан ташкил топган бу митинг қатнашчилари шаҳар мэрияси ва ҳукуматининг фаолиятига қарши шиорлар билан чиқдилар.

Якшанба куни намойишларда бирмунча кўп одам қатнашди. Манеж майдонига 50 мингга яқин киши йиғилди. Улар нархларни ҳаддан ташқари ошириб юборган маъмурларга қарши чиқиб, «Совет ҳокимиятини яксон қилишга йўл қўймаймиз» деган плакатларни кўтариб бордилар. Улар Россия Президентини «сотқин»ликда айбладилар.

130 минг киши қатнашган ва узоқ давом этган намойишни «Тирик халқа» иттифоқи ташкил этди. Бу август кунлари Оқ уйни ҳимоя қилган кишилардан ташкил топган намойиш эди. Улар Б. Ельцин ва унинг сиёсатини ёқлаб чиқдилар.

Намойишлар Россиянинг деярли ҳамма шаҳарларида: Санкт-Петербург, Екатеринбург, Воронеж, Ростов-Дон, Волгоград, Ижевск, Краснодар, Новосибирск, Омск, Самара, Тверь, Ярославль ва бошқа жойларда бўлди.

ТУРКМАНИСТОН ГАЗ СОТМОҚДА

ҲОЗИРГИ вақтда МДҲ мамлакатларида қазиб олинаётган газнинг тахминан 10 фоизини бераётган Туркманистон бошқа республикалар билан газ етказиб бериш тўғрисида бевосита шартномалар тузди. Чунончи, Украинага 28 миллиард куб метр, Озарбайжонга — 4,2, Грузияга — 5,2, Ўзбекистонга — 2,9, Қозоғистонга — 6,7, Қирғизистонга — 0,4, ва Арманистонга — 5,2 миллиард куб метр газ етказиб бераётган бўлди. Туркманистон шу йили хорижга ҳам газ сотмоқчи (11,3 миллиард куб метр).

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

• Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бурчимиздир

ЎЗЛАРИНИ ЁЛҒИЗ СЕЗИШМАСИН

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш ҳамда нарх-навони эркинлаштириш мажбурий жараёнлиги, йўқса оқибати нимага олиб келишини кўпчилик тушуниб етди. Айни пайтда бозор иқтисодиёти, янги нарх-наво аҳолининг маълум бир қисмини ижтимоий муҳофаза қилишни ҳам бош вазифа қилиб қўйди, Шунинг учун ҳам биз имконн борича вилоятимизда истиқомат қиладиган 17 мингга яқин Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларини, кам таъминланган кишиларни озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда турли хил саноат моллари билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитни назарда тутиб, талабалар, ўқувчи ёшлар, ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чоратадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди.

Шу муҳим ҳужжатни ҳаётга татбиқ қилиш учун биз ҳам жойларда иш бошлаб юбордик. Айни пайтда вилоятимиздз 865 нафар ёлғиз, ўзини ўзи эплай олмайдиган, пенсия миқдори 350 сўмдан кам бўлган кишилар истиқомат қилишади. Вилоят ижтимоий таъминот бўлимлари қошида ёлғиз қарияларга қарайдиган маиший хизматчиларимиз бор. Уларнинг ҳар бири олти кишига хизмат қилишади. Эндиликда мана шу маиший хизматчиларимиз яқин атрофдаги ошхонадан иссиқ овқат олиб, ёлғиз кишиларга етказиб берадилар. Биз эса ўша ошхонага маблағ ўтказамиз.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, халқимизда қадимдан қийин аҳволда қолган кишиларга закот, ҳайриялар улашиш одати бор. Мана шу бошланган ишга эса ҳар бир корхона, ташкилот, колхоз ва совхоз жамоалари ҳам имконият даржасида ўз улушларини қўшишлари мумкин. Бунинг учун вилоятимизнинг район ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларига мурожаат қилинса бас.

Яна бир муҳим масала. Мен шу ўринда вилоятимизда яшаётган ҳар бир кишини мана шундай ночор инсонларга одамийлик кўзи билан қарашга даъват этган бўлардим. Келинглар, азиз дўстлар, шундай муҳтож қарияларга у қўшнимизми ёки танишимизни, оғир кунларда мадад бўлайлик. Токи улар ўзларини ҳаётда ёлғиз сезишмасин.

Н. НАЗИРОВ,
Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи.

• Тарихга бир назар

АМИР САЙИД ОЛИМХОН ХОТИРАЛАРИ



ШЎРОЛАР ҳукуматининг мафкура машинаси онгимизни шу қадар шафқатсизларча заҳарладики, натижада оқни қора, қорани оқ дейишга ўргандик. Халқимизнинг ўз босқинчиларига қарши олиб борган миллий-озодлик ҳаракати «босмачилик» ва «аксилинқилобчилик» деб аталди. Тарихимиз бўяб ташланган турли дарслик ва қўлланмаларда Дукчи эшон, Намоз ботир, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек сингари халқ қаҳрамонлари ва саркардаларининг олис истиқболни онгли равишда кўра билиб, олиб борган курашларини бузғунчилик ёки бебошлик деб қайд этилди ва биз бунга кўр-кўрона ишондик, китоб ва рўзномаларда ёзилган ҳамма нарсани мутлақ ҳақиқат деб қабул қилдик. Энди эса...

Ошкоралик ва демократия шабадалари эсиб, энди ўзлигимизни, тарихий илдизларимизни англаш қўлларини қидираяпмиз. Бунинг учун эса миллий қадриятларимизни тиклаш, ўтмиш тарихимизни янгитдан ўрганиш, ўзимизда ва хорижий мамлакатларда еақланаётган нодир қўлёзмаларни нашр қилиш лозим. Шу нуқтаи назардан олиб қарағанда Узбекистон жумҳурияти «Фан» нашриёти томонидан яқинда чоп этилган Амир Саййид Олимхоннинг «БУХОРО ХАЛҚИНИНГ ҲАСРАТ ТАРИХИ» рисоласини ана шу мақсад йўлида амалга оширилган дастлабки ишлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон (1881—1944 йиллар) салтанат ва мамлакатни идора қилиш қонунларини эгаллаш мақсадида Петербургда уч йил ўқиган, отаси — Саййид Амир Абдулаҳадхон ҳаётлик пайтидаёқ Насаф (Қарши) ва Кармана вилоятларига ҳукмронлик қилган, падари бузруквори оламдан ўтгач (1911), Бухоро тахтига ўтирган ва мамлакатни 1921 йилга қадар бошқарган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи: «Бу бандаи ожиз Турон мамлакатида ўн йил давомида салтанат сурдим. Ўн йилдан сўнг Совет давлатига қарши курашдим, ниҳоят Афғонистон давлатига кўчдим», деб ёзади.

Шу нарса эътиборга моликки, Саййид Олимхон большевиклар билан бўлган қонли муҳорабалар, баъзи жанглардаги ғалабаси ва мағлубияти хусусида анча босиқлик билан фикр юритади, шўролар ҳукумати билан тинч-тотув яшашга астойдил интилганлигига алоҳида урғу беради, аммо большевиклар қабул қилинган келишув—битимни мунғомбирлик билан бузгани, натижада ҳар икки томондан жангларда жуда кўп қон тўкилганлиги, бу курашлардан маҳаллий халқ кўп азоб-уқубат чекканини рўйи рўст ҳикоя қилади. Жумладан, Амир 1917 йил воқеаларини қуйидагича шарҳлайди: «...Муваққат жумҳурият давлати Керенскийга бу бандаи ожиз ўз тарафимдан ишончли бир кишини бир вафд—намоёнда тариқасида юбордим, янгидан келишув тузиб, унга имзо чекишни истадим. Мазкур муваққат ҳукумат бу қисқа фурсатда инқилобга (аслида давлат тўнтариши — **Р. Ғ.**) йўлиқиб қолди. Улар икки қисмга ажралдилар; бири меньшевик, бошқаси большевиклар бўлиб, иккала жамоа ҳам бир-бирига уруш эълон қилдилар. Шу сабабдан булар иккалови ўртасида бир-бирига қарама-қаршиликлар юз бериб, ниҳоят большевиклар қарор топишди. Шунда рус давлатида каттакон бўлганларнинг ҳаммаси ҳар шига қарамай замонавий ҳарбий техника билан қуролланган большевиклар Бухоро давлатига уруш бошлайдилар. Шаҳарга 11 та тайёрадан бомба ёғдирилади, тўп ўқлари Бухорои шарифни қаттиқ вайрон қилади, мусулмонлар нима қиларини билмай, ҳатто мол-дунёси ва бола-чақаларини ташлаб ҳар томонга қоча бошлайдилар. Ҳуллас, амир аскарлари душманга қарши тўрт кечаю-кундуз жанг қилади. Сўнгра улар халққа ортиқча жабр-ситам етказмаслик, қурбонларни кўпайтирмаслик ва вайронгарчиликка йўл қўймаслик учун Бухорони ташлаб чиқадилар.

Рисолада Амир Саййид Олимхон Афғонистонга ўтиб кетган бўлса-да, бир неча йиллар давомида душманга қарши курашгани, Мулла Иброҳимбек Девонбеги, Мулла Абдуқаҳҳор сингари лашкарбошиларига раҳнамолик қилгани, уни афғон амири Омонуллохон ва турк генерали Анвар пошша қўллаб-қувватлаганини батафсил ҳикоя қилади.

Бухоронинг сўнгги амири хотираларидан «босмачилар» деб ҳақоратомуз ном олган миллий-озодлик ҳаракатининг асл моҳиятидан атрофлича хабардор бўламиз, Туркистонда шўро ҳукуматининг ўрнатилиши зўравонлик ва ғирромлик ҳисобига амалга ошганлиги, бу салтанат қанчадан-қанча бегуноҳ қурбонларнинг қони эвазига барпо этилганлигини англаймиз. Беихтиёр «ҳақ эртами-кечми, албатта, қарор топади», деган ота-боболаримизнинг ҳикматли сўзлари ёдимизга тушади.

«Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» рисоласини форсийдан Абдусодиқ Ирисов таржима қилган, унга сўзбоши ва изоҳлар ҳам ёзган.

Ўйлаймизки, бундай олижаноб ва фидойи шарқшуносларнинг, тарихчи олимларимизнинг эзгу саъи-ҳаракатлари туфайли дунё юзини кўраётган нодир ва қимматбаҳо китоблар узоқ йиллар давомида маҳдудлик, қарахтлик, манқуртлик ва қуллик балосига дучор қилинган халқимизнинг кўзини очишида баҳоли қудрат хизмат қилади, бизни ҳақиқатнинг кўзига тик қарашга ўргатади.

Рустам ҒАНИЕВ.

• МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

МАНЗУРАБОНУ



Бону ёки Манзурабону таҳаллуси билан қалам тебратган бу шоира Нозимахонимнинг истеъдодли шогирдларидандир. У 1900 йилда Тошкентнинг собиқ Раис кўча маҳалласи (ҳозирги Хуршид кўчаси)да туғилди. Маҳалладаги эски мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ зийрак, ақлли, қизиқувчанлиги билан атрофдагиларнинг диққатини тортди.

Манзуранинг, айниқса, бадиий адабиётга ҳаваси зўр эди. Навоий, Фузулий ва Машраб шеърларини жуда берилиб мутолаа қиларди. Ўзида ҳам қалам тебратишга мойиллик сезгач, шеър машқига киришди. Лекин дастлаб ёзганларини ҳеч кимга кўрсатмаган эди. Манзуралар оиласига яқин қариндош мактабдор шоира Нозимахоним уни ўз тарбиясига олгач, бўлажак шоира форс тили ва адабиётини, туркий халқлар адабиётларини қунт билан ўрганишга киришди. Шундан сўнг у шеърий машқларини тортинмай устозига кўрсатадиган бўлди, ундан йўл-йўриқлар олди. Тахминан ўн олти ёшларида Нозимахонимнинг маслаҳати билан МАНЗУРАБОНУ тахаллусини қабул қилди.

Манзурабону лирик услубда бир қанча ғазаллар ёзди. Ёшлигидан Нозимахоним қўлида эрксеварлик ва маърифатпарварлик ғоялари руҳида тарбияланган шоира эл дарди-фикри, андишалари билан яшади. Умр бўйи шу илк туйғулар оғушида нафас олди. Инсон эркн, ҳақ-ҳуқуқи, эл қайғусида қалам сурди. Оддий одамларни илм ва маърифатга чорлади. Яхшилик, эзгулик, чин одамийлик, адолат, инсоф-тамғиқ, меҳру оқибат туйғуларини жўшиб-жўшиб куйлади.

Манзурабону қандай ҳолатда бўлмасин, бадиий ижодни тарк этмади. Кейинги йиллар давомида унинг қаламидан яралган талай ғазаллар ўзининг оригиналлиги билан диққатга сазовор. Шоира ўз ғазалларида башарият учун азалий ва абадий мавзу бўлмиш асл одамий ишқ-муҳаббат туйғулари тавсифидан латиф тароналар яратди. Шоиранинг бир умрга сўнмас ишқ оташи билан йўғрилган лирик тароналарида муҳаббатнинг ёзган ё куйлаган билан адо бўлмас қиссаси, ишқ олами ровийларининг сўнгсиз ривоятлари ўзига хос шавқу завқ билан куйланди. Шоира ғазалларида тасвирга келтирилган ушшоқ элнинг маънавий олами кенг, теран, ранг-баранг ва сержилодир. Аслан покиза қалб соҳибаси бўлган Манзурабону ишқ уммонининг сермавж тўлқинларига мардонавор бардош беради. Ишқ олами ва ушшоқ аҳлининг маънавиятидан сирли пардани кўтариб, унинг сержозиба жилваларини намоён қилишга интилади. Ошиқлик бобида ширин ва рангин латифалар тўқийди. Жон ўйнатувчи бу лирик обидалар нечбин руҳ ва ҳаётсеварлик шавқи билан нафас олади. Шоира ғазалларининг ҳар бир оташнок мисралари одамлар қалбида ўтли туғён ва масрур кечинмалар, ажиб саодатбахш кайфиятлар қўзғайди. Шу боисдан Манзурабону ғазаллари эл орасида машҳур ва манзурдир.

Муҳсин ЗОҚИРОВ,
филология фанлари номзоди, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

МАНЗУРАБОНУ

• ҒАЗАЛЛАР •

Ишқингда куйдим ўртаниб, мен мубтало сен ёр учун,
Чекдим фиғонлар оҳ уриб, мен мубтало сен ёр учун.

Билмам сени кўнглинг надур, ҳажрингда жоним ўртанур.
Қилсам наво жисмим куюб, мен мубтало сен ёр учун.

Ўтлар туташди жон аро, мен найлайин, бахтим қаро,
Охир бўлубдурман ғариб, мен мубтало сен ёр учун.

Олмай мендин бир йўл хабар, охир қилибсан дарбадар,
Қолмишман эмди сарғайиб, мен мубтало сен ёр учун.

Сабру қарору тоқатим, кетти қўлимдин тоятим,
Қолмишман охир ер чизиб, мен мубтало сен ёр учун.

Мен ёрнинг авораси, дардимни борму чораси,
Боқсанг надур, бир йўл нулиб, мен мубтало сен ёр учун.

Бўлмай насиб васлинг майн, қилди наво Манзурани
Гоҳ йиғлабон, гоҳи кулиб, мен мубтало сен ёр учун.

* * *

Юз минг фиғонким ул бр кетти,
Дарди дилимга ғамхор кетти.

Тан мулки куйди ҳижрон ўтиға,
Ҳамроз бўлғон дилдор кетти.

Булбулдайин дил айлар наволар,
Ғунча даҳоним хунхор кетти.

Кўз ёшим оқди, ким мисли найсон,
Тоза баҳорим гулзор кетти.

Сабри қарорим олди дилимдан,
Ҳам номус йнтти, ҳам ор кетти.

Уммиди васли қолмиш дилимда,
Юз ваъда айлаб хуш ёр кетти.

Кўнгилда шодлиғ ёнди-ю ўнди,
Мурғи дилим, оҳ, бемор кетти.

Мунча жафожў бўлғайму маъшуқ,
Қилмай тараҳҳум безор кетти.

Биргина дедим: «Қилғил табассум»,
Деди ғазабнок: «Бор-бор», кетти.

Охир дамида Манзура Бону
Хокисор айлаб, ул ёр кетти.

* * *

Эй, нозпарвар гул, сарви раъно,
Ҳусн аҳли ичра мақомни забо,

Ул ҳури жаннат қулдур қошингда,
Гул юзларингдин хуршид ҳувайдо.

Холи хатингдин ўт тушди дилға,
Елғиз бошимга минг турлн савдо.

Лайливашмсан, танда мадорим,
Бўлсам, ажаб йўқ, Мажнуни шайдо.

Ул лола янглиғ бағрим аро доғ,
Қилсам ериндур оҳ нла ғавғо.

Зулфингни торн чулғаб танимни,
Ҳар сори судрар дашт нла саҳро.

Мужгон ўқндин кўксумга санчиб,
Усру кўз нла қилдинг тамошо

Ёндурдн ҳижрон Манзура Бону,
Ошиқлар ичра ҳам бўлди расво.

Суратда: Манзурабону дастхатидан бир лавҳа.

• Диққат: янгилик

ШИРИН ВА БЕҒУБОР

«Она» номидаги Меҳршавқат жамиятига қарашли кичик корхона меволарни қуруқ консервалаш усулини синаб кўра бошлади. Шундай усулда консерваланган мева ажойиб хусусиятларга эга бўлади. У озгинагина эрийди, сувга солсангиз эса кўз олдингизда худди тупидан узилгандек қулупнай ёки ўрик ҳолига келади. Бундай усул ёрдамида олма, олхўри, шафтоли, қовун каби неъматлардан ҳам шундай маҳсулот тайёрлаш мумкин. Энг муҳими, мева таркибидаги витаминлар сақланиб қолади.

Бу янгилик муаллифи Тошкент шаҳар қон қуйиш станцияси хизматчиси В. Н. Ершовдир,— дейди жамият бош директори Н. К. Тошпўлатова.— Инсон саломатлиги учун зарур қонни қуритиб сақлаш усулини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бу ихтирочи ушбу тажрибани меваларни қуритишда ҳам қўлланишга аҳд қилди. Унинг узоқ йиллар изланиши муваффақиятли натижа берди. У яратган қўлбола ускунада дастлабки маҳсулот тайёрланди.

«Она» жамияти қуруқ консерва цехини ана шундай янги ускуна билан жиҳозлаш ниятида. Шунда ширин-шакар неъматлар кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди. Бу эса жамиятга жаҳон бозорига маҳсулот чиқариш имконниятини беради.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

МАҲСУЛОТ ҲИСОБИГА

Олмалиқ мебель комбинати ҳудудида махсус дўкон очилди. Бу ерда корхона ишчи-хизматчиларига сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари корхонада ишлаб чиқарилаётган мебель билан алмашиш ҳисобига келтирилмоқда. Олмалиқдаги сут заводи, гўшт комбинати ўзларининг фонддан ташқари ишлаб чиқарган маҳсулотларини мебель комбинати билан тузилган шартнома асосида корхонага етказиб беришмоқда. Мебелчилар Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидаги хўжаликлар билан ҳам маҳсулот алмаштириш бўйича шартномалар тузишган. Шунинг учун корхона дўконидан тирик балиқ, пишлоқ, олма, анор каби боғдорчилик неъматлари қишда ҳам аримаяпти.

(ЎзА).

● Ўрта Чирчиқ ноҳияси бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида

ТАСАВВУР ВА ТАШАББУС

ҲАР ГАЛ ижодий сафарга чиққанимизда биз қаламкашлар муайян бир мақсадни ўз олдимизга қўямиз. Навбатдагисига отланганимда, бундай тадбирга ҳеч ҳам дуч келаман, деб ўйламаган эдим. Ўзимча режалар тузиб, халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ ноҳияси Кенгаши жойлашган бино олдига борганимда, ўзаро суҳбатлашиб турган бир гуруҳ одамларга дуч келдим. Аввалига одатдаги иш кунига йўйдим буни. Улар раҳбар олдига ўз юмуш ва ташвишлари билан келганлар бўлса керак, деб ўйладим. Ноҳия Кенгаши раиси Мирзамурод ака Икромов қабулига кирганимда у:

— Келганингиз жуда яхши бўлди-да, бугун бир қанча тадбирларимиз бор,— деди салом-аликдан сўнг.

Нима ҳақдалигини суриштирганимда, у бир бошдан тушунтириб, мендан сафарга тайёрмисиз, деб сўради. Бажонидил рози эканлигимни айтдим.

ТАСАВВУР ВА ТАШАББУС

ОДАТДА инсон ўзини кўп нарсага қодирман, деб билади. Лекин, ҳамма гап Аллоҳ инъом этган лаёқатни ишлата билишда. Айниқса, раҳбар киши зиммасидаги масъулият ана шу лаёқатдан «дарча» очишга шай қилиб берилган юздан бир имкониятдир. Айнан Мирзамурод ака ҳам шундай ўйларди. «Ахир 140 минг аҳоли истиқомат қиладиган ноҳияга бош бўлиш осонми? Халқ сенга кўз тикиб, ишонч билдираяптими? Демак, уни оқлаш керак. Қолаверса, раҳбар ходимнинг нималарга қодир эканлиги энг оғир дамларда билинади... Она юртим—олтин бешигим. Она юртга хизмат қилган кам бўлмайди».

Ҳаёлидан кечган ўй билан раис ўз иш жойига яқинлашганлигини ҳам сезмай қолди. Дуч келганлар билан қуюқ сўрашиб, хонасига кирди. Иш столига ўтириб бугунги юмушларни кеча тузиб қўйган режа бўйича амалга оширишга шошилди. Йўқ, яна ўша фикр бошини чулғаб олди.

Қандай қилиб халқни кийинтириш керак? Дастурхонининг тўкин-сочинлигини таъминлаш мумкин, деб фикр юритарди у. Шу ҳақда ўйларкан, аниқ бир тўхтамга келгандек бўлди. Ҳўжаликларда, ташкилотларда ўз ишининг усталари, тадбиркорлар меҳнат қилишяпти-ку. Оммалаштирса арзийдиган ишларга қўл урилган. Нега уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш мумкин эмас?! Ўз тасаввурида ҳосил бўлган фикр ташаббус бўлиб етилди. Бу ҳақдаги таклифини хўжалик раҳбарлари, ноҳия фаоллари муҳокамасига ташлади. Таклиф ҳаммага маъқул тушди.

Агар, дейишди хўжалик раҳбарлари, биз қилинаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўрсак, амалий тадбирларнинг яхши-ёмон томонларини ўргансак, ҳарқалай фойдадан ҳоли бўлмасди. Шундай ишларга ўзимиз ҳам қўл урганимизда дуч келган муаммоларни, тўсиқларни бартараф этиш осон кўчади. Қолаверса, амалга оширилаётган ишларнинг ҳаммаси янгилик-ку!

Шундай қилиб ишчи семинари ўтказишга келишилди. Дастлаб биз тушган автобус ноҳия Ички ишлар бўлими биноси олдида тўхтади.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

АВВАЛИГА бу ерга келганлигимизни сира тушунмасдим. Нимани ўрганиш мумкин, қандай тажрибаси бор уларнинг? Бизни кийими ўзига ярашиб турган хушрўйгина, одми бир йигит қарши олди. Ҳовли томон йўл бошлади.

— Мана, бизнинг ёрдамчи хўжалигимиз,— деди кулимсираб бояги йигит майингина товушда.

— Ў-ҳў, зўр-ку,— дейишди меҳмонлар,— боқувчиси ким?

— Ўзимиз-да,— деб жавоб қилди милиция бошлиғи Абдукарим Йўлборисов.

Ҳамма нарса равшан бўлди. Гап шундаки, ноҳия ички ишлар бўлими ходимлари нафақат халқ осойишталигини сақлаш, балки, ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этишган эканлар. Ҳозирги бозор иқтисодиётининг қарор топиш жараёни ана шундай иш тутишни тақозо этмоқда. Ички ишлар бўлими ўз хизматчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида шу ишга қўл уриб 32 бош қўй, 20 та курка, 20 бош товуқ, 60 дан зиёд қуён ҳамда беданалар боқишяпти. Бу ўз навбатида хизматчилар иқтисодининг бир томонини кўтараётган бўлса, ишларига янада садоқат билан ёндашиб меҳнат қилишларини таъминламоқда. Ташриф буюрганлар уларнинг ишига барака тилашиб, навбатдаги манзил томон йўл олишди.


БОЗОР ДЕҲҚОННИКИ БЎЛСИН-ДА!

ТЎЙТЕПА шаҳрининг ўзида бир эмас, иккита деҳқон бозори бор. Лекин очиғини айтиш керак. Бозорларимиз номигагина «деҳқон бозори», деб юритилади. У ердаги сотувчиларнинг ҳаммасини ҳам ҳақиқий деҳқонлар деб ким айта олади. Қолаверса, шундоқ ҳам дала, уй-рўзғор юмушларидан ортмайдиган деҳқоннинг бозорда ҳафталаб ўтиришига вақти ҳам йўқ-да. Унинг ўз маҳсулотини вақтидан қизғаниб арзон гаровга бўлса-да, қўли енгил «учар»ларга сотишдан ўзга чораси қолмайди.

Демак, бозор кимники бўлиши керак? Бу мулоҳаза янгидан тикланаётган бозорни кўздан кечираётганда туғилди.

— Бу ерда,— деди Мирзамурод ака келганларга,— 35 йиллар давомида ҳеч бир ўзгариш қилинмаган. Деярли қаровсиз ҳолга тушиб, кўримсизлигидан, сотувчиларга шарт-шароитнинг йўқлигидан бу ерга маҳсулот кўтариб келганлар ҳафсаласи пир бўлиб кетишарди. Муаммоларни баҳолиқудрат ҳал этишга азму қарор қилдик. Дастлаб матлубот жамияти вакиллари Қарши шаҳрига боришиб, замонавий типдаги бозорлардан бирида бўлишиб, шароити билан яқиндан танишиб келишди. Икки йилдирки бозорни қайта тиклашга киришдик. Бунинг учун аввало вилоят матлубот жамиятидагиларга раҳмат. Таъмирлаш ишлари учун нақд 200 минг сўм ажратишди. Шу туфайли анчагина ишлар қилинди. Бозор бўлгандан кейин... омига муносиб деҳқон бозори бўлсин-да! Шундай шароит яратайликки, бу ерда деҳқонлар олиб келган маҳсулотини сота олсин. Агарда у вақтни олтиндан қиммат деб билса, унда яна бир томонини ўйлаб қўйганмиз. Бозорнинг ўзида маҳсулотни қайта ишлаш цехи очмоқчимиз. Келишилган бозор нархида одамлар нознеъматларини шу цехга топширсинлар. Ким фойда кўради, албатта, халқ. Икки томонлама ютган бўламиз. Тўғри-ми? Майли, мабодо, у маҳсулотини шу ернинг ўзида сотаман, деса, уларга яна бир шароит яратиб берайлик. 20 ўринли ётоқхона қуриб, ёнида ошхона, нонвойхона, ҳамда маҳсулотни сақлайдиган махсус жой ҳам ҳозирлаб берамиз. Бу ишларни шу йилнинг ўзидаёқ битказишни режалаяпмиз.

Узоқни кўзлаб иш юритиш, албатта, ишбилармонликнинг бир кўринишидир. Демак, бозорларнинг маҳсулотга тўлиб-тошиши учун қўйилган пойдевор ҳам деб тушунса бўлади буни.



Навбатдаги ташриф қаерга бўларкин?

Биз тушган улов тўғри нафис ва кўркам ишланаётганлиги билан кишн эътиборини ўзига тортадиган масжид томон йўрғалади.

МУСУЛМОН АҲЛИ МАМНУН

ИСЛОМ дини ҳам салкам 70 йил давомида таъқиб остига олинган эди. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Маънавиятимиз қадрияти тикланяпти. Масжидга кириб бораркансиз, бу ерда қилинаётган ишларни кўриб, очиғи лол қолдик. Ниҳоятда чиройли ва ҳашаматли тарзда қурилаётган масжид бунёдкорлари ҳақига ташриф буюрганлар дуо қилишди. Бундай кўркам бинони тиклаш учун ноҳиядаги ҳар бир хўжалик 15—20 минг сўмдан пул ажратишганлигини айтишди менга. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда қурилиш ишларини фарғоналик қўли гул усталар амалга оширишмоқда.

Масжид имом хатиби Абдулворис Пирназар ўғли ноҳия ва хўжалик раҳбарларининг бу ерга қадам ранжа қилганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Уларнинг келгуси ишларида ривож тилаб, оқ фотиҳа берди. Фақат бу ердагина эмас, ноҳияда мусулмон аҳлининг талаб ва истаклари инобатга олиниб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тўйтепа шаҳридаги қабристон «Адҳам Саҳоба» зиёратгоҳига айлантирилди. «Ленин йўли», Свердлов, Карл Маркс, Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида ҳам масжидлар қайта тикланмоқда. Бундай ўзгаришлардан мусулмон аҳли мамнун бўлишмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза юритсак. Илгари раҳбар одамлар номозгоҳларга кириша олишармиди? Йўқ. Ҳар қандай раҳбарнинг юраги бетламасди бунга. Ҳатто, шундай пайтлар бўлганки, юзига овқатдан сўнг фотиҳа тортган киши вазифасидан четлаштирилган. Динга тиш-тирноғи билан қаршн турганлар баribир бир кунмас — бир кун келиб, афсус-надомат чекишган.

Менда шундай кечинма бор... Ҳали-ҳануз эсимда. Болалик чоғларим эди. Маҳаллада бир ёши улуғ киши вафот этди. Жанозага ҳамма йиғилди. Ҳамма ҳам ҳовлига сиғмаган. Ҳовлининг ташқарисида, кўчада ҳам одам кўп эди. Ҳамма ҳам марҳумни охирги йўлга кузатиб қўйиш маросими олдидан қишлоғимиз оқсоқоллари кафтларини очишиб, дуо қилиб, уларга оқ фотиҳа бермоқчи бўлганларида, директор қўшнимиз рухсат этмади. Бақириб-чақириб фотиҳани чала қолдирди. Ўшанда бошқани билмадиму, айниқса, қарияларнинг кўнгли жуда ранжиган эди. Тақдир тақозосини қаранглки, ўша келин-куёв бир йилга етар-етмасдан жиққамушт бўлишиб, ажралишди.

Афсуски, ҳали ҳам орамизда шундай раҳбарлар йўқ эмас. Лекин, Ўрта чирчиқлик хозирги раҳбарларнинг шундай иш тутиши мардлик, жасорат, қолаверса, одамийлик билан боғланган. Улар анчадан буён вақт топишиб, масжидларда бўлишиб, мусулмон аҳлининг дардини тинглашиб, зарур бўлиб қолганда баҳолиқудрат ёрдамини аяшмаяпти. Шунинг учун ҳам уларнинг бу ерга ташриф буюрганликлари бежиз эмас эди. Яна бир гап. Уларнинг кўпчилиги янги халқ демократик партиясининг вакиллари. Илгариги партия билан дин ўртасидаги муносабатни бир эсланг-а. Юрагингиз ҳаприқиб кетади. Илоё шундай кунлар қайтмасин!

ЁҒ, МАТО...

НАВБАТДАГИ сафар Тўйтепадаги ноҳияларо савдо базаси қошида ташкил қилинган «Орли» фирмасига бўлди. Қаловини топсанг қор ёнар деганлари шу бўлса керак-да. Бу ердаги ишлар ҳам ўзига хос янгилик эканлигини таъкидлашди ташриф буюрганлар. Қизиқ-да, мойжувоздан ёғ олинишини билардим. Лекин бунақасини кўрмаганман. Қанақадир, бошқа маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган аппаратнинг технологияси ўзгартирилиб, чигитдан ёғ олиш ўзлаштирилибди.

— Яқиндагина ишга киришган эдик,— дейди фирма директори Шерали Мадиёров юзидаги табассумни яширолмай.— Ҳозирча соатига 25 килограммдан ёғ олаяпмиз. Чиқиндиси эса қунжара сифатида чорвадорларга қўл келишини бидирдир. Илгариги партия билан дин ўртасидаги муносабатни бир эсланг-а. Юрагингиз ҳаприқиб кетади. Илоё шундай кунлар қайтмасин!

ЁҒ, МАТО...


НАВБАТДАГИ сафар Тўйтепадаги ноҳияларо савдо базаси қошида ташкил қилинган «Орли» фирмасига бўлди. Қаловини топсанг қор ёнар деганлари шу бўлса керак-да. Бу ердаги ишлар ҳам ўзига хос янгилик эканлигини таъкидлашди ташриф буюрганлар. Қизиқ-да, мойжувоздан ёғ олинишини билардим. Лекин бунақасини кўрмаганман. Қанақадир, бошқа маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган аппаратнинг технологияси ўзгартирилиб, чигитдан ёғ олиш ўзлаштирилибди.

— Яқиндагина ишга киришган эдик,— дейди фирма директори Шерали Мадиёров юзидаги табассумни яширолмай.— Ҳозирча соатига 25 килограммдан ёғ олаяпмиз. Чиқиндиси эса қунжара сифатида чорвадорларга қўл келишини бидаласиз. Шундай бўлгандан кейин бунинг кўламини кенгайтириш ҳаракатига тушасиз-да.

Меҳмонларнинг бири қўйиб, иккинчиси уни саволга тутарди. Қунжарани кафтларига олиб, ҳидлаб кўришарди. Ўзидан хушбўй ҳид таратиб ишлаётган аппаратдан узоқлашар эканмиз, менга ҳамроҳларимдан бири бундай кичик корхоналар бошқа худудларда ҳам иш бошлаганлигини гапириб берди.

Дарвоқе, ноҳия ихтиёрида минг тонна қўшимча чигит бўлиб, ундан ёғ олиш чора тадбирлари кўрилаяпти. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қорасув пахта тозалаш заводида ўз фаолиятини бошлаган кичик корхонада пахта чиқиндиларига чигит қўшиб, омухта ем тайёрлашга киришилди. Йўлйўлакай кетаётиб, ҳамроҳим менга ТИИИМСХ ўқув-тажриба хўжалигида қилинаётган ишлар хусусида ҳам сўзлаб берди. Айтгандай, хўжаликда бўлганлар бир қанча янги тармоқларнинг иш бошлаганлигига гувоҳ бўладилар. Бу ерда яқинда пиёз қуритиш цехи очилиб, илк бор синов-тажриба ўтказилди. Шунингдек бу ерда 3 минг бошга мўлжалланган иссиқхона қурилиб, ишга туширилди. Йўналиш бўйича йўлимиз Киров номли ўқув-тажриба хўжалигига тушди. Хўжалик иссиқхонасининг умумий майдони уч гектарни ташкил этади. Бу ерда ўз касбига меҳр қўйган фидойи миришкорлар меҳнат қилишади. Фахрланса арзийдиган деҳқонлар йилига икки мартадан ҳосил олишга эришмоқдалар.

Юқорида айтилган гапга қўшимча қилиб, яна шуни айтиш мумкинки, бу хўжаликда ҳам 220 бош нутрия парвариш қилиняпти. Шунингдек, 100 та тери сотишга тайёр қилиб қўйилди.



...КИЙИМ-КЕЧАК ҲАМ ЎЗЛАРИДАН

ТЎЙТЕПАДАН пойтахтга қараб юрилганда чап томонда «Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги» деб ёзилган пешлавҳага кўзингиз тушади. Довруғи довон ошган бу хўжалик ҳақида ким ҳам эшитмаган дейсиз.

Сафаримизнинг йўналиша кўра биринчи бекатида ҳам ана шундай ажойиб манзарага дуч келдик. Ҳовлининг ўртасида ёнбошлаган ҳолда ётган ғарбий Европа давлатларидан келтирилган ўнлаб тикув машиналари, ёнида ишлаётган ёшгина қизлар, ҳовлининг бир четида ўтириб, ўзбекча либосларга ўхшаш кийимларни тикаётган ўрта ёшлардаги аёллар... Ҳаммаси ҳам ўзимизга таниш, ҳаммаси ҳам ўзимизга ёқимли манзара.

Ҳовлининг ўртасида ўтирган ёшгина қизлар ҳам, ўрта ёшлардаги аёллар ҳам ўзларининг ишларига шу қадар берилиб кетишганки, биз келганимизни сезишмади ҳам. Ҳовлининг бир четида ўтирган ёшгина қиз ўзининг ишини тугатиб, машинасини ёнбошлатиб қўйгандан кейингина биз билан саломлашди. Ўзини Ҳуршида Камолова каби иқтидорли ёшлар атлас тўқишнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганишмоқда ва ҳозирча кунига 7—8 метрдан атлас тўқишга эришмоқдалар. Цех бошлиғи Жаҳонгир Қосимхўжаевнинг гапига қараганда унинг кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Хўжаликда қайта ишлаш корхоналарининг вужудга келаётганлиги ҳам кўплаб истеъмол буюмларининг ишлаб чиқарилишига умид уйғотмоқда. Кўпчиликка маълум, Хўжаликда пахта тозалаш заводининг қурилиши республика миқёсидаги янгилик бўлди. Чунки битта хўжалик ихтиёрида завод бўлишининг ўзи катта гапда. Сафар давомида яна шуни билиб олдимки, бу заводнинг ёнгинасида бир йилда 900 тонна ип калавалаш қувватига эга бўлган фабрика қурилишига ҳам бахоли қудрат киришилибди. Шунингдек, «Диёр» агрофирмаси иш бошлаяптики, унда пахта чиқиндилари қайта ишланиб, саноат ва тиббиёт учун ниҳоятда зарур бўлган маҳсулотлар ҳамда қоғоз ишлаб чиқариш мўлжалланаяпти.



Хўжаликда бўлаётган ўзгаришларни кўриб бир мулоҳаза туғилди. Ўзбекда нима кўп тўй-ҳашам. Матосиз тўйни тасаввур этиб кўринг-а. Демак, ноҳияда шундай имкониятлар вужудга келмоқдаки, аҳоли энди ип газлама ишлаб, пойтахтга қатнашмайди. Ўзингдан чиққанига нима етсин.

Гапимнинг исботига яна бир жойга борганимизда иқрор бўлдим. Газлама ва бошқа истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга бел боғлаганлардан яна бири Бектемир тажриба — пахта заводи жамоасидир. Махсус жойда пахтадан кенг ҳажмли ип йигириб, мато қилинади. Биринчи кварталда ишга туширилиши кўзда тутилаётган цехда йилига 150 тонна калава тайёрланади.

Ташриф буюрганларга корхона директори Носир ака Муҳаммаджонов амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Уни қуршаб олганлар турли саволлар билан мурожаат қилар эди. Қандай қилиб бу ишга қўл урилганлигини ва уни жорий этиш учун маблағни қаердан топишганлигини сўрашарди. Корхонанинг иқтисодий томондан бақувватлиги ҳамда ҳозирги пайтда аҳоли ўртасида ноҳоятда талаб катта бўлаётганлиги газлама ва кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шунинг учун корхона Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳамда Ҳиндистоннинг «САБУ Интерпрайзерс ЛТД» фирмаси билан қўшма корхоналар очиб, бу ерда саноат истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, завод бир йилдан бўён пахта ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу корхона жамоасини ёғ билан таъминлаб, моддий манфаатдорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Ноҳиянинг бошқа худудларида ҳам чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда қўшма корхоналар очишга бел боғлаб киришилди. Масалан, Қорасув пахта тозалаш заводи жамоаси Исроилнинг «Эйна», «Меркурс» фирмалари билан шартнома имзолашди. Келгусида қўшма корхонада жинси шим, уст-бош кийимлари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда...

Шундай қилиб, сафаримиз ниҳоясига етди. Очиғи, мени қувонтиргани шу бўлдики, бу тадбирга хўжалик, қишлоқ шўролари раислари бефарқ қарашмади. Муаммоларни биргаликда ҳал қилишга тайёр эканликларини, кези келганда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кафил эканликларини билдирдилар. Сафар давомида яна шуни англаб олдимки, уларнинг ҳар бир ишга киришганларида жиддий, аниқ ва фойдали таклифлар айтишди. Бўш пайтларида эса бир-бирларига ҳазил-мутоиба қилишар, бундан лаззатланиб кулишардилар. Ноҳияда шундай аҳил кишиларнинг одамларга бош бўлишлари, айниқса, уларнинг тадбиркорликлари, ишбилармонликлари, ўз вазифаларини бажаришга сидқидилдан ёндошаётганликлари ҳаётни қисқа муддатларда фаровонлик йўлига олиб чиқилишига ишончни келади.

Албатта, битта катта ноҳиядаги ўзгаришлар фақат шулар билан кифояланиб қолган эмас. Жумладан, ноҳияда айни пайтда иш юритишнинг янги шаклларидан бири ҳисобланган фермер хўжаликлари сони 37 тага кўпайди. Ёки фермерлар оталиғида 810 дан зиёд қорамол боқ. Соғин сигирлардан кунига 700—800 килограммдан колбаса тайёрланмоқда. Ноҳияда деҳқончилик соҳасида ўтган йили энг юқори кўрсаткичлар қўлга киритилди. Бу таъминотни яхшилаш томон бир одим ташланганлигидан дарак беради. Йил якунини олиб қарайдиган бўлсак, ноҳия деҳқонлари ишлаб топилган ҳар бир сўмига қўшимча 3 сўм 50 тийиндан ҳақ олишди. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Хуллас, сафар таассуротларга жуда бой бўлди. Қайтишга шайланиб турганимда Мирзамурод ака Икромов чақириб қолдилар:


— Хўш, таассуротлар қандай бўлди? Ўзгаришлар борми?— дея саволига жавоб кутмасдан гапида давом этди.— Агар мана шу одимларимиз натижаси самара берса, ўйлайманки, биз қисқа муддатларда халқимизни ўзимиз кийинтирамиз, дастурхон тўкин-сочинлигини таъминлаймиз. Рўшнолик кунлари узоқ эмас, укажон!..

Иншооллоҳ, айтганингиз келсин, Мирзамурод ака!..

Холтўра ШАФОАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.







● СУРАТЛАРДА: (юқорида) ноҳия Кенгаши раиси М. Икромов; Тўйтепадаги «Оқсоқол» чойхонадўкони; Бектемир пахта-тажриба заводининг ип калавалаш цехида; ТИИИМСХ ўқув-тажриба хўжалигидаги «Наврўз» чойхонасининг ички кўриниши (пастда, чапдан биринчи); Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигининг атлас тўқиш цехи ишчиси М. Сомиддинова; Тўйтепа ноҳияларо савдо базаси қошидаги «Орли» фирмасининг пахта ёғи ишлаб чиқариш цехида.

В. ТУРАЕВ олган суратлар.

• *Шу куннинг муаммоси*

Тошкентга ташланган «АТОМ-БОМБА»СИ

МУҚАДДИМА

1966 йилдаги Тошкент зилзиласи. У табиий офат билан бирга маънавий жароҳат ҳам олиб келди. Табиат офатининг бартараф этдик. Бироқ кун сайин, ҳатто соат сайин баттар потос боғлаб, чуқурлашиб, улғайиб бораётган маънавий жароҳат — тери-таносил касалликлари бу яқин ўртада бартараф бўладиганга ўхшамайди. Ўша зилзила даврида Тошкентни тиклашга келган «комсомолча зарбдор» ёшлар «шарофати» билан пойтахтда асли ўрни-таги бўлмаган бир бино ҳам қад кўтарди. Бу — Сиргали ҳудудидаги тери-таносил касалликлари муолажагоҳи эди.

Гоҳо ўйлаб қоламан: **«Бирор шаҳар ёки минтақани мажруҳ қилиш учун Хиросима ё Нагасакига ташлагандек атом бомбаси ташлаш шарт эмас экан. Бир эшелон ичкиликбоз, нопок, маънавий бузуқ шахслар кириб келсалар бас, ҳатто атом бомба етказгандан-да бир неча баробар ортиқ офат юз бериши аниқ экан!»**

Номи юқорида зикр этилган жойда лоақал бир соатгина бўлган киши бунга ишонч ҳосил қилади. У ердаги касаллар сони, уларнинг таркиби ҳақида алоҳида тўхталишни лозим топмадим. Фақат шуни айтиш керакки, бундай беморлар сони нафақат ўша жойда, балки бутун Ўзбекистон бўйича ортмоқда. Гарчи жумҳуриятимиз мустақиллиги эътироф этилганига ярим йил тўлаётган эса-да, қўшни давлатлардан оқиб келаётган фоҳишалар, дайдилар, жиноятчилар оқими камаймаётир. Ва бу ўз ўрнида тери-таносил касалликларининг янада урчишига салмоқли ҳисса қўшаяпти. Бунинг бош сабаби — чегараларимиз очиқ, дарвозаларимиз йўқлигидадир.

Мазкур муолажагоҳнинг бош шифокори Соат Одилович ШУКУРОВ билан анча узоқ суҳбатлашдик, бу борадаги муаммолар ҳақида узоқ дардлашдик. Қуйида суҳбатимизнинг энг зарур ўринларини чоп этмоқдамиз.

«ЧИГИРТКА... ТЕКИН ЕЙДИ»МИ!

— Соат Одилович, халқда бир нақл бор: «Чигиртка экин ер, еганда ҳам текин ер!» Таъбир жоиз бўлса, бу ердагиларнинг аксарияти кўриб-билиб шу йўлга қадам босганлар. Уларнинг «оқава»лари билан ҳозирги иқтисодий танглик даврида ҳам маънавий, ҳам моддий, катта зарар етказмоқдалар. Сир эмаски, даволанувчиларнинг анчагинаси қўшни давлатлар фуқароларн. Қачонгача бу келгинди, суюқоёқ, ишёқмасларни ўз ҳисобимиздан даволаб, боқамиз. Шу ҳақда батафсилроқ тўхталсангиз!

— «Бирники — мингга, мингники — туманга!» мақоли айнан шулар ҳақида бўлса керак деб ўйлайман. Аввало айтиш керакки, биз — шифокормиз. Демак, инсон саломатлиги олдида масъулмиз. Лекин ҳар қандай эзгулигу бағри кенгликнинг ҳам меъёри бўлгани дуруст экан. Айниқса, бизнинг йўналишда. Бу муолажагоҳ фақат Тошкент шаҳрида яшовчилар учун мўлжалланган. Бироқ жумҳуриятимизнинг бошқа вилоят ва шаҳарларидан, ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам келган беморларимиз анчагина. Тўғрироғи, бизга беморлар келмайдилар ҳисоби, балки ўзимиз уларни олиб келамиз. Яъни, ноҳиялар бўйича тезкор, мунтазам текширувлар ўтказиб, шубҳали шахсларни бошланғич назоратдан ўтказамиз. Касаллиги борларини олиб қолиб, даволаймиз. У қайси ўлка ёки шаҳардан бўлмасин, Тошкентда тутилгач, бизда даволанади. Бундай дардга йўлиққан кимсани «бор, ўз юртингда даволан», деб қўйиб юбора олмаймиз.

Энди иқтисодий масалага келсак, сўзак билан оғриганлар 24 кун; заҳм (сифилис)га йўлиққанлар ўртача 40 кун даволанадилар. Барча турдаги ҳаражатлар **битта бемор учун** бир кунда тахминан юз сўм атрофида бўлмоқда. Бу ҳаражат шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳисобидан қопланади. Яна таъкидлайман, бемор қайси жойдан келган бўлишидан қатъий назар, бизнинг — Тошкент шаҳрининг ҳисобига кун кўради.

— Ахир, бу турган-битгани зиён-ку! Ундан кўра беморларни келган ерига — ўз юртига назоратчи (конвой) билан қайтариб юборган яхши эмасми!

— Бизнинг қонунларга кўра фоҳишалик, фоҳишабозлик қилгани учун қаттиқ жазо турлари кўрсатилмаган. Нари борса, пул жаримаси солинади. Уларни қамаб бўлмагач, қайси милиция ёки ички хизмат ходими уларни кузатиб борарди дейсиз?!

— Сарф-ҳаражатлар ва шу қатори беморлар сонини ҳам камайтириш учун қайдай ишлар амалга оширилмоқда!

— Яқинда вақтинчалик даволаш картасини ишлаб чиқдим. Бундан икки йилча аввал «Қон орқали касалланишни ва таносил касалликларини ташхис қилиш учун ҳаракатланувчи тезкор лаборатория» — АВТОБУС ҳақида аниқ таклиф ҳамда ихтирони ишлаб чиққан эдим. Касал деб шубҳа қилинган кишилар агар бу ерга олиб келинса, камида 4—5 кун қолиб кетадилар. Бу ҳам моддий, ҳам маънавий зарар. Агар мен таклиф қилган Автобус — ҳаракатланувчи тезкор лаборатория ёрдамида иш юритилса, бу масала — ташхис қўйиш жуда қисқа муддат ичида, ўша жойнинг ўзидаёқ, ортиқча сарф-ҳаражатсиз амалга ошарди. Афсуски, бу борадаги илтимос ва талабларимиз на Автотранспорт вазирлигида, на Вазирлар Кенгаши (ҳозирги маҳкамаси)да инобатга олинмаяпти.

— Бу ердаги муаммолар юзасидан шаҳар раҳбарияти қандай фикрда?

— Гапнинг очиғи, бу яқин ўн йил ичида шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг собиқ бошлиқлари ҳолимиздан хабар олишмаганди. Аммо ҳозирги раҳбаримиз Қ. Т. Ризаев бошлиқ бўлганидан бери камида ўн марта ташриф буюриб, бизга эътиборини қаратди. Ҳатто қилинаётган ҳаражатларни ундириб олиш ҳақида ўйлашни алоҳида таъкидлади.

— Кечирасиз, гапингизни бўламан. Ҳаражатларни ундириб олиш тўғрисида ўйлаб кўрдингизми!

— Албатта. Аммо бу осон иш эмас. Ҳозир дейлик бирор москвалик бизда даволанаётган бўлса, Москва мэриясига: «Сизнинг фуқароингизни даволаяпмиз» деб айтиб, ҳаражатлар учун маблағ талаб қилсак, заррача эътибор бермасликлари аниқ. Умуман, бошқа шаҳару вилоятлар ҳам шундай. Аммо ҳамдўстлик мамлакатлари бу борада ҳам ўзаро алоҳида шартнома тузсалар эди, биз ҳам ўз талабимизни ҳуқуқий асосда амалга оширардик. Менимча, бу муаммони тезлик билан ҳал этиш лозим. Айниқса, ҳозир нарх-наво кундан-кун ўсмоқда, ҳар бир сўм ҳисобда. Келинг, шу ўринда айрим рақамларга мурожаат қилайлик.

1990—1991 йиллар давомида 15451 нафар шахсни текширувдан ўтказдик. Шулардан 656 нафарида касаллик аниқланди. 20428 ўрин—куни банд бўлди. 358593 сўм ҳаражат қилинди. Бу биргина қабул—тарқатув жойидагиси. Ҳозирги кунда эса бундай тадбирлар учун камида 1 миллион сўм керак. Ва бизга бу пул пойтахт Ички Ишлар Бошқармаси маблағидан берилиши лозим. Уларга ҳам бошқа юқори ташкилотлар пул ўтказишлари даркор. Чунки пулни тўғридан-тўғри ўтказиш учун аниқ қўлланма йўқ. Менимча, бу масала ҳам кўриб чиқилиши керак ва бу маблағнинг лоақал 50 фоизи ўзимизга ўтказилса, адолатли иш бўларди.

Шунингдек, биз ҳамон собиқ иттифоқ кўрсатма ва қўлланмалари асосида иш олиб бормоқдамиз. Ўз минтақамизда, ўз жумҳуриятимиз қўлланмалари зарур.

— Соат Одилович, кейинги вақтда бу ерга олиб келинувчилар сони камаймадими!

— Тўғриси, олиб келиниши керак бўлганлар анча. Аммо уларни ушлаб келтириш имкониятларимиз чекланиб қолмоқда. Негаки, биз Ички Ишлар ходимлари билан биргаликда иш олиб боришимиз керак. Бироқ ҳозирги кунда жиноятчиликнинг ўсиши милицияни банд қилиб қўймоқда. Ички ишлар ходимлари ўзларидан ортмай қолмоқдалар. Лекин биз ўз ички имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Узр, сўзингизни бўламан. Бундай ўйлаб қараса, одам ҳайратга тушади. Бошқа мамлакат (собиқ Иттифоқ)дан келаётганларнинг бу ерда қариндошлари ёки бирор бошпана берувчиси йўқ. Аммо негадир жуда тезлик билан Ўзбекистонда, айниқса, Тошкентда ўрнашиб оладилар.

— Жуда тўғри айтдингиз. Ҳатто 20—30 кишилик гуруҳ-гуруҳ бўлиб келадилар. Уларнинг ўз қўшмачиу ўз ҳимоячи-қоровуллари ҳам бўлади. Очиқ айтиш керакки, фоҳишаларнинг четдан келиб, кўлайиб кетишида Тошкент меҳмонхоналарининг хизматлари алоҳида. Айниқса, «Ленинград», «Ўзбекистон», «Чорсу» ҳатто «Кооператор»га ўхшаш меҳмонхонаю маишатгоҳлар келгинди дайдию фоҳишаларни кўплаб ўз паноҳига олмоқда. Бу жойларни тўлалигича қамраб олиб, мунтазам текширув ўтказишга имкониятимиз етмай қолмоқда. Энг даҳшатлиси қаерда фоҳиша бўлса, ўша ерда жиноятнинг ҳамма туридан мавжуд. Жиноятга шерик фоҳишаларнинг ўзлари ҳам қурбон бўлишади. Мана бу суратларни қаранг. Даҳшатли. Иккинчи суратдаги калла эгаси ҳам фоҳиша бўлган. Бу ҳар иккиси кўплаб жиноятга шерик. Ва бу борада кўп нарсадан хабардор эдилар. Шу хабардорликлари учун ҳам шериклари томонидан вақшиёна ўлдирилганлар.

Бош шифокор С. О. Шукуров билан узоқ суҳбатлашдик. У киши жон куйдириб кўпгина эътиборли таклиф ва мулоҳазаларни айтди. Айниқса, фоҳишаларга қатъий ва қаттиқ жазолар шарт эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Бу борада зудлик билан зарур тадбирлар белгилаш кераклиги бугунги куннинг долзарб масаласидир. Ўйлаймизки, Ички Ишлар, Адлия, Соғлиқни Сақлаш вазирликларидаги мутасаддилар бир даврага йиғилиб, мазкур муаммо юзасидан ягона қарорга келадилар ва ўз қарорларини жумҳурият Олий Кенгаши эътиборига ҳавола этадилар.

ЧАҚИРИЛМАГАН «МЕҲМОН»ЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Мазкур муолажагоҳнинг милиция билан биргаликда назорат қилиш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Омон Бегаевич Бегаев ҳузуридамиз.

— Омон Бегаевич, рухсатингиз билан қўшни давлатлардан келиб қолиб, шу ерда бепул даволанаётган беморлар билан ҳам суҳбатлашсак.

— Майли, агар ишимизнинг келгуси учун фойдали бўлса, бажонудил розиман. Мана бу рўйхатдан қараб, лозим топганингизни айтинг, мен чақиртираман. Ўзингизни қизиқтирган саволларни сўрарсиз. Зарур ўринларда мен ҳам ёрдамлашаман.

Суҳатдошларимиз: К. ВЕРА — Қозоғистоннинг Толдиқўрғон шаҳридан, 1975 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ўқимайди ҳам, ишламайди ҳам. Ота-онаси ногирон;

К. ОЛЬГА — 1975 йилда туғилган, толдиқўрғонлик, Веранинг дугонаси, ғирт бекорчи, ота-онаси бор.

Н. ФАРИДА — 21 ёшда, тошкентлик. 4-марта даволанаяпти.

К. ОЛЕСЯ — 1976 йилда туғилган. Свердловск вилояти, Нижний Тагил шаҳридан. Отаси бор. Онасини ўтаси ўлдирган.

Улар билан суҳбатларимиз матни деярли бир хил. Шу боисдан ҳам сўзма-сўз келтириб ўтиришни лозим топмадик. Умумий қилиб айтганда, уларнинг характер жиҳатидан бир-бирларига ўхшаш томонлари жуда кўп. Шунингдек, бу йўлга кириб қолиш сабаблари ҳам деярли ўхшаш. Ҳаммалари чекадилар ва ичадилар. Фақат К. Олесянинг ҳикояси бизга жуда қаттиқ таъсир қилгани учун у билан қилган савол-жавобимизни тўлароқ ёритмоқдамиз.

— Тошкентга нима мақсадда келгансан!

— Дугонам ва Андрей (16 ёшли) дўстим билан иш қидириб келганмиз.

— Нега ўша ёқдан иш топмай, бу ёққа келдиларинг!

— Тошкентда нон арзон, одамлари саҳий, иссиқ. Йигитлари ҳам соғлом. Свердловскдаги эркакларнинг 90 фоизи пиёниста.

— Ичкилик ичасанми! Чекасанми!

— Ҳа.

— Биринчи марта қачон жинсий алоқага киришгансан!

— 14 ёшимда. Иккинчи марта олдинги йили май ойида. Иккаласида ҳам зўрлашган.

— Бу ҳақда милицияга арз қилганмисан!

— Йўқ. Қўрққанман.

— Кейинчи!

— Отам билан.

— Батафсилроқ гапирсанг, агар мумкин бўлса!

— Отам ишчи, 50 ёшларда. Онамни ўлдириб 10 йил қамалиб келган. Мен аммам билан яшардим. Бир куни ичиб келиб, мени урди, зўрлади. Милицияга айтдим. Лекин уни қамашмади. Кейинги сафар пичоқ ўқталиб, қўрқитди. Беш мартача зўрлади.

— Милицияга тушганмисан!

— Рўйхатда тураман.

— Нега!

— Уйдан қочиб кетаверганим учун...

— Даволаниб чиқиб, қаерга бормоқчисан!

— Тошкентда қолишни истайман. Ишга кираман.

— Бу ерда бирор танишинг борми!

— Йўқ...

СЎНГГИ СЎЗ

Ҳурматли муштарийлар! Бу савол-жавобларни истаганча давом эттириш мумкин. Аммо нима наф!

Ушбуни енгил ҳаёт кечиришга «бел боғлаган» ёки «бел бўғламоқчи»ни бўлаётганлар учун бир сабоқ вазифасини ўтармикан, деган мақсадда чоп этмоқдамиз. Тан олиш керакки, жумҳуриятимизга чигирткадек ёпирилиб келаётган дайди-фоҳишалар ичида ҳали балоғатга етмаган бўлса-да ўз «касби»нинг устаси бўлиб қолганлари анчагина. Улар нафақат пул, балки соғлиқнинг ҳам қушандасидирлар. Асосан балоғатга етмаган фоҳиша-дайдилар билан савол-жавоб қилганлигимизнинг боиси ҳам шунда. Тан олиш керакки, уларнинг кўпчилиги қадди-қомати келишган, истараси иссиқ, навниҳоллар. Кўзу карашмалари шайтоннинг ўзгинаси. Аммо бир неча лаҳзалик шаҳвоний нафсига қул бўлганлар бу «офатижон»лар «шарофати» билан сўзак, заҳм, СПИД каби касалликларни юқтириб олишлари ҳеч гап эмас. Энди бу ёғи ҳар кимнинг ўз ҳоҳишу ҳукмига ҳавола.

Хулоса ўрнида, ушбу мақолани тайёрлашда яқиндан ёрдам кўрсатиб, ўз қимматли вақтлари ва маслаҳатларини аямаганликлари учун муолажагоҳнинг бош шифокори С. О. Шукуров, бош шифокор ўринбосарлари О. Б. Бегаев, В. Д. Цой, Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бошқармаси матбуот маркази раҳбари Ш. Самиев ўртоқларга муҳарририятимиз номидан чуқур ташаккур билдирамиз.

Дилмурод САИДОВ.

Суратларда: ҳаётда адашган ёшлар. Воҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.



МАСХАРАБОЗ КУЛДИРАДИ

Масхарабоз саҳнада ўз санъатини намойиш этаркан, уни зимдан кузатганмисиз? Бир қарашда унга тенг келадиган қувноқ, хушчақчақ, ҳаёт ташвишларидан ҳоли бўлган киши йўқдек туюлади. Нуқул тиржаяди, сакрайди, гўё ўз ичига сиғмаётган қувончу севинчини ўзгаларга улашишга ҳаракат қилади. Сатира театрлари вакиллари, комик актёрлар ҳам шундай. Ҳаётдан шунақанги қизиқарли, кулгили лавҳаларни олиб, томошабинга намойиш қилишадики, кўпчилик уларни шу актёрлар турмушига боғлиқ деб фараз қилади. Одатда уларнинг «бекамукўст, губорсиз, ташвишсиз ҳаёт»ларига ҳавас қилишади. Лекин аслида санъат аҳлининг турмуш тарзи биз ўйлаганчаликми?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган «Насриддин афанди томошахонаси» миллий фольклор театрида бўлганимда, мен ўзимда қизиқиш уйғотаётган саволларга жавоб топгандай бўлдим. «Томошахона» режиссёри Тожимуҳаммад Исроилов, ижодий гуруҳ раҳбари Ғайрат Собиров, актёрлар Хурсанали Иброҳимов, Юнус Яхёев, Абдумалик Мустафоев, Микойил Сулаймоновлар билан суҳбатлашганимда кўп нарсани билиб олдим. Бу театр дастурига миллий санъатнинг қатор турлари киритилган экан: масхарабозликлар, полвонлар баҳслари, халқ оғзаки ижоди, эртаклар, миллий қўшиқ ва рақслардан иборат дастурлар, қўғирчоқ театри... Таңқидий кулги билан йўғрилган бу «Томошахона» саҳналаштирган «Афсуски иложи йўқ», «Томдаги жинни» асарлари кўпчилик эътиборини ўзига жалб қилган.

Актёрлар ўзларининг ижодий ютуқлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришаркан, улардан шахсий ҳаётлари ҳақида ҳам сўзлаб беришларини сўрадим. Шу дам улар билан дардкаш чиқиб қолдик. Улар ҳам мени ташвишлантираётган турмуш муаммолари, таққинликлар, нарх-наво ҳақида куюниб гапира кетдилар.

Санъаткорларнинг гап-сўзларига қулоқ тутиб ўтирар эканман, ўйланиб қолдим. Йўқ, улар ўзга дунё кишилари эмас, саҳнадаги чиқишлари ҳам умуман ҳаётларига тўғри келмас экан. Актёрларга нақадар қийин ажанглигини энди тушуниб етдим. Ахир кундалик югур-югурлардан ортиб яна саҳнага чиқиб роль ўйнаш, ўзининг ташвишлари кўплигидан йиғламоқдан бўлиб, яна ўзгаларни қулдириш осонми?! Уларни ҳам кулдирадиган, кўтаринки кайфият бағишлайдиганлар бормикан? Ёки улар ўзгалар бир дам бўлса-да барча оғир-енгилликларни унутганларидан завқ олишармикан?

Шуларни ўйлар эканман, «ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинаётган «Цирк томошалари»га кўзим тушиб қолди. Тавба, масхарабознинг юзини ҳеч яқиндан кўрмаган эканман. Негадир кўринишн мунгли. Чарчагани, нималардандир ташвишланаётгани кўзларидан кўриниб турибди. У нималарни ўйлаётган экан? Аёли меҳмондорчиликка кийиши учун чиройлироқ (чўнтак кўтарадиган) кўйлак олиш ёки дўстининг туғилган кунига тузукроқ совға тайёрлаш зарурлиги ҳақидамикан? Балки шамоллаб қолган кичкинтойига сут харид қилиш учун тонг ёришмаган, қўпчилик уйқуда бўлган пайтда дўконга чиқиб навбатга туриб олиш кераклиги тўғрисидадир? Унинг ҳаёллари фақат ўзига маълум. Мен эса бу ҳаёллар фақат ортиқча муаммоларни, ташвишларни вужудга келтираётганини биламан. Буни ўша мунгли, ўйчан кўзлар маълум қилиб турибди.

Негадир аввалларн масхарабозлар доим кулиб туради, юзларидан табассум аримайди деб юрарканман. Йўқ, бу табассум табиий эмас экан, у бир ниқоб, юзга туширилган рассом санъати экан. Юзнинг ярмини қоплаб олган, кишини ҳаётдан тўла хурсанд бўлган, турмушда ҳамма нарсага, ўз орзу-ниятларига етишгандай қилиб тасвирловчи бу кенг табассум инсон қалбидаги қандай ҳис-туйғуларни ўзгалардан яшираётганийкин? Ўйчан бу кўзларчи? Бизга нималарни ошкор қилмоқчи экан? Бу саволлар менга тинчлик бермайди.

Абдулла ТОЛИПОВ.

• *Шингил ҳажвлар*

ИЗЗАТТАЛАБ

СОҲИБ Қодирович бир куни мени хонасига чақириб қолди. У тўрдаги курсида бир парча қоғозга тикилганча ўтирган экан.

— Чақиртирган экансиз, — дедим хонага кирганимни билдириш учун.

У киши секин бошини кўтариб, кўзойнакнинг остидан менга қаради:

— Нима ишлар қилиб юрибсиз?

— Шу, зиммамдаги ишларни бажариб юрибман.

БИР КУНИ Яшар Қосимов билан Самарқандга сафар қилдик. Тошкент автошохбекатида автўбусга миндик. Автўбусда Яшар Қосимов:

— Аъзамжон, Баҳодир Муродали деган йигитни танийсизми? — деб сўраб қолди. Мен:

— Танийман, андижонлик, дўппи кийиб юради, ҳикоялар ёзади, — деб жавоб қилдим.

Орадан бир пас ўтгач, у кўзини юмиб олди. Уйқуга кетди. Жиззахга етгач, уйғонди. У ёқ-бу ёққа қараб сўради:

— Аъзамжон, Баҳодир Муродали деган йигитни танийсизми?

— Танийман, андижонлик, дўппи кийиб юради, ҳикоялар ёзади.

Шу билан Самарқандгача гаплашмадик. У яна мудраб кетди. Самарқандга етгач, яна шу саволни берди. Жавоб қилдим. Хуллас, Каттақўрғонга етгунча яна бир-икки марта сўради. Манзилимизга бориб жиндак дам олдик. Уйнинг эгаси билан қиттак-қиттак отишгач, Яшар чайқалиб сўради:

— Аъзамжон, Баҳодир Муродали деган йигитни танийсизми?

Роса жаҳлим чиқди. Елкасидан олдим:

— Яшар, — дедим, — йигирма марта сўрайсанми, ўттиз марта сўрайсанми, юз марта сўрайсанми, барибир танийман: андижонлик, дўппи кийиб юради, ҳикоялар ёзади...

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

— Мен сиздан буни сўраётганим йўқ. Нега эрталаблари кириб салом бермайсиз? Раҳматли Нишон акага салом берардингиз. Ҳамма бошлиқларга бир хил кўз билан қараш керак-да!

Нима дейишимни билмай қолдим.

— Боринг, бошқа такрорланмасин.

Эртасига автўбус тиқилинч бўлгани учун ишга озроқ кечикиб қолдим. Соҳиб Қодировичнинг хоналари олдида Ваҳоб Солиевич турган эканлар. Бошлиқ хонасининг эшиги хиёл очиқ. Ваҳоб Солиевичга қарата:

— Ассалому алайкум, — дедим. Ҳали у киши алик олишга улгурмай ичкаридан:

— Ваалайкум ассалом, — деган товуш эшитилди...

БАРИБИР ТАНИЙМАН

(АЪЗАМНИНГ ҲИКОЯСИ)

Муҳаррир ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТДАН ШВЕЙЦАРИЯГА САМОЛЁТ ҚАТНАЙДИ

ЖЕНЕВА, 7 февраль. (РАТА — ТАСС мухбири Сергей Седов).

Швейцария Конфедерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида яқин келажакда мунтазам самолёт қатновини очиш йўлида дастлабки қадам қўйилди. Тошкентни бевосита Цюрих ёки Женева билан боғлайдиган янги авиация йўлида яқинда ташкил этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари хизмат қилиши кўзда тутилмоқда. Швейцариянинг АТС телеграф агентлиги бугун Швейцария фуқаро авиацияси федерал бошқармасидан олинган ана шундай хабарни тарқатди.

Яқинда Давосда бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий анжуманининг йиллик сессияси чоғида швейцариялик манфаатдор шериклар билан амалий алоқалар ўрнатилгандан сўнг фуқаро авиацияси федерал бошқармаси билан Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасининг бошлиғи Ғ. Рафиқов ўртасида мудаолар тўғрисида тегишли протокол имзоланганлиги хабар қилинган. Шундай қилиб, шу йил сентябрь ойида янги авиация йўлини очиш режалаштирилмоқда. Швейцария «Ўзбекистон Айруэйз» самолётлари мунтазам қатнайдиган Ғарбий Европадаги биринчи мамлакат бўлади.

Акс садо •

КЕЧИРИЛМАЙДИГАН ЖИНОЯТ

Тарихимиздан маълумки, одам ўлдириш, яъни қотиллик қадимдан кечириб бўлмайдиган ва энг оғир жиноят ҳисобланган. Бундай ишга қўл урган кимсаларни дорга осганлар, оёқ-қўлларини кесиб, умрбод зиндонбанд қилганлар. Исми-шарифи ва қилган жиноятини бутун халққа аён қилиш мақсадида уларни эшак ва бошқа отулоғга тескари миндириб, сазойи қилишган. Бу тадбир халқ томонидан маъқулланиб, ёшларни тарбиялашдаги энг яхши тарбия воситаларидан бири эди.

Лекин бу урф-одатлар кейинчалик унутилиб кетди. Нега энди улардан айни пайтда қисман бўлсада фойдаланмаяпмиз? Қонунларимизнинг бўшлиги ва уларга тўла-тўкис амал қилинмаётганлиги сабабли «Инсон қони сув эмас» мақоласида баён этилганидек мудҳиш воқеалар камайиш ўрнига кўпайиб кетаяпти-ку.

Менимча, онгли равишда одам ўлдирган кишини қамаш йўли билан қайта тарбиялаб бўлмайди. Бундай ишга билатуриб қўл урган киши энг олий жазога лойиқ. Яна бир фикрим: одам ўлдирган қотилдан уни маълум бир муддат ишлатиб, хун пули ҳам ундириб олиш керак деб ўйлайман. Буни марҳумнинг ота-онасига, ёки бола-чақасига бериш лозим. Токи улар ҳаётда муҳтожлик сезишмасин. Шундагина турли-туман жиноятларга барҳам берилса ажаб эмас.

Ҳасан ОТАҚУЛОВ,
Бекобод ноҳияси.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14 Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.40. 30579 нусха босилди.